2013 йил — Обод турмуш йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 14-FEVRAL, PAYSHANBA, 19 (8100)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.



Дилафрўз қўлига дутор олиб куй чалганида оҳанглар мавжидан қалблар эзгу ҳисларга чулғанади. Унинг ижросидаги дилларга ором берувчи мумтоз наволарда боболарнинг ўктам овози, момоларнинг ажиб алласи эшитилади гўё.

Дилафрўз Ҳасанова болалигидан санъатга меҳр қўйган. Ана шу ҳавас уни Андижон санъат коллежи томон етаклади. Замонавий таълим даргоҳида яратилган қулай шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда мусиқага оид билимини мустаҳкамлаб, ижро маҳоратини юксалтирди. Айни пайтда у Қўрғонтепа тумани Қорасув шаҳарчасидаги 27-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчиларга мусиқадан сабоқ беради.

**Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## САҲИФАЛАРДА



2

### ТЕЖАМКОР ИХТИРО



3

### ЮТУҚЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ




8

### УЗУМДАН МОЙ ШИФОГА БОЙ

Қашқадарё Вилояти

# ҲАЙРОВ

*Ҳақиқий деҳқон учун қиш фаслида ҳам ўзига яраша иш топилади. Чунки унинг эртага мўл ҳосил олиши кўп жиҳатдан ана шу тадбирларни қай даражада амалга оширишига боғлиқ.*

– Бу йил ҳайров, яъни ариқларни тозалаш ишларини анча эрта бошладик, – дейди Қарши туманидаги “Ҳосилжон” фермер хўжалиги раҳбари Нажим Примов. – Қўшни фермерлар билан биргаликда ҳудудимиздаги барча ариқ-зовурни тозаладик. Энди дарахтларни буташ, ерни баҳорги экиш мавсумига тайёрлаш ишларини амалга оширяпмиз. Бу юмушларни ўз вақтида бажарган деҳқоннинг эртанги ҳосилдан кўнгли тўқ бўлади.

– Ҳайров кўкламги юмушларнинг бошланишидир, – дейди хўжалик ишчиси Парда ака. – Хўжалигимиз ҳудудидан ўтган 3,5 километр узунликдаги ариқни баҳамжиҳат ковлаб-тозалаб, тартибга келтирдик. Айни пайтда ғаллани ўғитлаб, пешма-пеш суғормоқдамиз.

– Ариқ тозалаш бободеҳқоннинг қадимий юмушларидан бири, – дейди Қамаши туманидаги “Турсунов Райим Сафарович” фермер хўжалиги раҳбари Райим Турсунов. – Бундан кўзланган мақсад сувни исроф қилмаслик, пировардида мўл ҳосил олишдир. Сув йўли қанчалик равон бўлса, экинни суғориш шунча осон бўлади. Ҳайров ўз вақтида амалга оширилмаса, неча гектарлаб ердаги ғалла ёки ғўза сувга қонмай қолади. Бу эса деҳқон учун миллион-миллион сўм зиён демакдир. Айни вақтда

### БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР

қишлоқлардаги ариқ ва ички сув йўлларини тозалаш ишларини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Буни яхши англаган ҳудуд аҳолиси ҳамжиҳатлик билан бу ишларга киришмоқда.

Фермернинг мулоҳазаларини тинглаб, болалик хотиралари ёдга тушади. Қиш охирлаб, кунлар исий бошлаши билан қишлоғимиздаги Жўра бобо кетмон кўтариб чиқса, ҳамма билардики, бугун ариқлар тозаланиб, дарахтлар буталади, яъни ҳайров бўлади. Шунда ҳар бир хонадондан бир ёки икки киши унга эргашар ва бир зумда ўнлаб одамлар йиғилиб, қарийб бир километр узунликдаги ариқни икки кунга қолмай тозалаб қўйрдилар. Демак, аҳилликда, уюшқоқликда гап кўп экан...

**Ф.ХОЛМИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖИЗЗАХДА ҲАМ ИНДУСТРИАЛ ЗОНА БАРПО ЭТИЛАДИ

## 2013 ЙИЛ АПРЕЛЬ ОЙИГА ҚАДАР ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ЯНГИ — МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДИДАГИ УЧИНЧИ ИНДУСТРИАЛ ЗОНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА.

Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳам “Навоий” ва “Ангрен” махсус индустриал-иқтисодий зоналари бугунги кунда мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллаётгани ва бу борадаги ишларни жадал давом эттириш лозимлиги ҳақида айтилган эди.

Маълум бўлишича, 2013 йилнинг биринчи чораги якунига қадар ҳамкорлар (Хитой Халқ Республикаси) билан индустриал зонани ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишларини якунлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси йиғилишининг тегишли қарори мавжуд бўлиб, унда индустриал зона Жиззах вилоятига юқори технологиялар ҳамда инвестицияларни жалб этиш, вилоят ва унга чегарадош бўлган ҳудудлар саноат ва экспорт салоҳиятидан унумли фойдаланиш мақсадида ташкил этилаётгани таъкидланган.

Президентимизнинг 2011 йил Хитой давлатига амалга оширган давлат ташрифи якунлари бўйича хитойлик ҳамкорлар билан юқори саноат технологиялари паркини ташкил қилиш бўйича ишлар бошланган эди. Ташриф доирасида, шунингдек, 25 та ҳужжат имзоланиб, умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган бир қатор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилганди.

2008 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аккумулятор симлари, автомобиль газ баллонлари, мобиль ва стационар телефонлар, модемлар ва интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш каби юқори технологиялар асосидаги яна еттита лойиҳа амалга ошириш босқичида турибди.

Шу борада тўпланган тажрибани ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг келажакда муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, 2012 йилда “Ангрен” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Мазкур индустриал зонада фаолият кўрсатаётган корхоналарга, киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, 3 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилди, уларнинг инфратузилма объектлари ва коммуникацияларга кафолатли равишда уланиши таъминланмоқда.

Ҳозирги кунда “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186 миллион АҚШ долларига тенг 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Булар қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини қуриш, тайёр чарм буюмлар ишлаб чиқарадиган комплексни барпо этиш алоҳида ўрин тутади. Мазкур ҳудудда умумий қиймати 245 миллион АҚШ долларига тенг яна 22 та лойиҳани амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмоқда.



# ХОРИЖЛИК ҲАМКОРЛАР БИЛАН ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

**“Ўзбекенерго” давлат акциядорлик компанияси Хитойнинг “Suntech Power Holdings Co” компанияси билан ҳамкорликда қуёш панеллари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани амалга оширади. Лойиҳанинг бошланғич нархи 10 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, корхона “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида 2015 йилда ишга туширилиши режалаштирилган.**

Муқаддам келгуси йилларда мамлакатимизда қуввати 2 гигаваттга тенг қуёш электростанцияларини қуриш режалаштирилаётгани ҳақида маълум қилинган эди. Лойиҳалар асосан “Ўзбекенерго” ДАК маблағлари, Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молиявий манбалар ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Жумладан, 2012 йил “Ўзбекенерго” ДАК Тошент вилояти ҳудудида қуввати 50 мегаватт, йилига 110 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконига эга бўлган қуёш электростанциясини лойиҳалаштиришга киришган. Ушбу лойиҳанинг қиймати 250 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, 90 миллиони ОТБ маблағлари, қолган қисми ички имкониятлар ҳисобига қопланиши белгиланган.




# ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» АХБОРОТ ХОНАЛАРИ, БЕПУЛ WI-FI ҲУДУДЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

**Февраль ойи давомида пойтахтимиздаги 25 та етакчи олий ўқув юртларида “Келажак овози” ахборот хоналарининг очилиш тадбирлари бўлиб ўтади. Шунингдек, Wi-Fi ҳудудлар ҳам ташкил қилиниб, бунда талабалар интернет тармоғидан қулай ва бепул фойдаланиш имконига эга бўлади.**

Фонд Форум, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳа доирасида ўқув юртлари биносида махсус ахборот хоналари ташкил этилиб, унда талабалар Фонд Форум ва “Келажак овози” ЁТМнинг ёшларга қаратилган лойиҳалари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўладилар. Шунингдек, турли танлов, тақдимот ва семинар-тренингларда иштирок этишлари, ўз билим ва кўникмаларини тенгдошлари билан ўртоқлашиш имконига эга бўладилар.

Фонд Форум ва ҳамкор ташкилотларнинг ёшларга қаратилган лойиҳалари ҳақида батафсил маълумотларни талабалар ўзлари таҳсил олаётган олий ўқув юртида олишлари мумкин. Талабалар турли танлов, грант ва стипендиялар ҳақида маълумот олиш, турли мавзулардаги семинар-тренингларда иштирок этиш билан бирга, турли тақдимот, қизиқарли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишлари мумкин бўлади.

“Келажак овози” ахборот хоналари бугунги кунга келиб, юртимизнинг барча ҳудудларидаги 40 нафарга яқин таълим муассасасида фаолият олиб бормоқда.

# ОЛИМЛАРИМИЗ ИХТИРОСИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРДИ

**12news.uz ахборот сайтининг маълум қилишича, “Muborak neftgaz” унитар шуъба корхонаси муҳандислари томонидан нефть ва газ қазиб чиқаришни 85-90 фоизга ошириш имконини берувчи маҳсулдор қатламга бирламчи ишлов беришнинг янги усули ихтиро қилинди.**



Ихтиро Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патентлаштирилган. Янги усулга кўра, маҳсулдор қатлам маълум тезликда, қатламнинг гидравлик босимига мос равишда, махсус эритмадан фойдаланилган ҳолда пармаланади. Бу маҳсулдор қатламнинг кирланишини камайтириб, унинг коллектор хусусияти тозалигини сақлаш имконини оширади. Ушбу усулнинг биргина мазкур корхона ҳудудларидаги конларда қўлланилиши натижасидаги иқтисодий самарадорлик 900 миллион сўм — 450 минг АҚШ долларини ташкил қилади.

# “SOTHEBY`S” АУКЦИОНИ ЎЗБЕК РАССОМЛАРИ ИШИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ

**4-12 март кунлари Лондондаги Нью Бонд Стрит галереясида жаҳонга машҳур “Sotheby`s” аукцион уйи ҳамда “MEROS” Ўзбекистон антиқа буюмлар ассоциацияси ҳамкорлигида биринчи бор Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари замонавий санъати намуналарининг кўргазма-савдоси ўтказилади.**




Кўргазмада 50 дан ортиқ санъат намуналари намойиш этилади. Жумладан, “Чорраҳада” деб номланган мазкур кўргазмада ўзбекистонлик рассомлардан — Раҳим Аҳмедов, Мурод Қорабоев, Жамол Усмонов ва Александр Барковскийларнинг ишлари намойиш этилади.

“Sotheby`s” аукцион уйи 1744 йил Лондонда ташкил этилган бўлиб, 40 дан ортиқ мамлакатда 100 га яқин бўлими мавжуд. Мазкур ташкилот томонидан дунё бўйлаб бир йил давомида 250 дан ортиқ аукцион савдолари ва кўргазмалар ташкил этилади.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

Андижон Вилояти

**Андижон давлат университетининг жисмоний тарбия ва спорт факультети биринчи босқич талабаси Маликабону Мирзаева самбо бўйича бир неча бор Осиё биринчилиги ғолиби ҳамда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатлари кумуш ва бронза медаллари совриндори бўлган. Мана шу ютуқлари учун Маликабону "Жаҳон самбо юлдузлари маликаси" унвонига ҳам сазовор бўлди. Шунингдек, 2012 йилда қўлга киритган ютуқлари учун вилоятнинг "Энг яхши спортчи"си, деб эътироф этилди.**




# ЮТУҚЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Маликабону Мирзаева Жалақудуқ туманидаги биринчи ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ самбо кураши билан шуғулланишга киришди. Ундаги қатъиятлилик, шижоат болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийи Жамолиддин Жияновнинг эътиборини тортди. Ўшанда Маликабону 9 ёшда эди. Мактаб таълимидан сўнг Маликабону ўқишни Андижон олимпия захиралари коллежида давом эттирди. Самбо кураши бўйича таниқли мураббий Бахромжон Расулов қўл остида ўз маҳоратини оширди. Вилоят, республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этиб, юртимиз шарафини ҳимоя қила бошлади.

Бугун Маликабону каби спорт соҳасидаги ўз иқтидорини нуфузли беллашувларда намойиш этаётган юртимиз фарзандларини кўриб завқингиз ошади. Бундан йигирма йил аввал Маликабону каби ёшларимиз спортнинг энг мураккаб турларида жаҳон майдонларида иштирок этишини ҳеч биримиз тасаввур қила олмаганмиз. Негаки, маҳаллий ёшлар, айниқса, қизларни спортга жалб этиш эътиборсиз бўлиб, аввало, қишлоқда мураббийлар, спорт заллари, хуллас, зарур шароит мавжуд эмасди. Мустақиллик йилларида миллат келажаги бўлмиш ёшларнинг салоҳиятини, имкониятини юзага чиқариш, бунинг учун энг олис қишлоқларда ҳам зарур шароитларни яратишга давлат миқёсида эътибор қаратилди. Бунда Президентимизнинг жонбозлиги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг қўшган ва қўшаётган ҳиссаси беқиёс.

– Дарҳақиқат шундай, – дейди жамғарманинг вилоят филиали директори Шавкатбек Омонуллаев. – Эндиликда спорт ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланишга улгурди. Ўтган йиллар давомида жамғарма маблағи ҳисобига аксарият туманларда, марказдан чеккароқ қишлоқларда спорт мажмуалари, майдонлари, заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Энг замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган ушбу кошоналарда минг-минглаб болалар спортнинг бир неча турларида ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Уларнинг энг саралари туман, вилоят ва республика босқичларидаги беллашувларда иштирок этишиб, совриндорлар сафидан жой олишмоқда.

Биргина 2012 йилда вилоят миқёсида жамғарма томонидан 15 миллиард 481 миллион сўм маблағ спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилишга йўналтирилди. Чунончи, Бўз туманидаги 2-, Шаҳрихон туманидаги 37-, Балиқчи туманидаги 8-, Избоскан туманидаги 5-мактабларининг ўқувчилари сўнгги лойиҳаларда қурилган спорт залларига эга бўлишди. Шаҳрихон, Избоскан, Олтинкўл туманларидаги очиқ сузиш ҳавзалари капитал таъмирдан чиқарилди. Андижон туманидаги "Камолот" мавзеида "Водий фаол ёшлари" дам олиш оромгоҳи қурилиши давом эттирилди.

Президентимиз ташаббуси билан қишлоқларда қурилаётган намунавий уйларга пайваста равишда спорт майдончалари қурилиши олиб борилмоқда. Асака туманидаги Зарбдор, Андижон туманидаги Оқёр қишлоқларида қурилган мини футбол майдонлари эндиликда кўплаб ҳудудлар учун андоза бўлмоқда. Натижада жойларда 20 та болалар спорт майдончаси янгидан қурилди, 25 таси эса қайтадан тикланди. Сунъий чим қопламали кичик футбол майдонлари қурилишида тадбиркорлар, маҳалла фаоллари ташаббускорлик кўрсатишяпти. Бир йил давомида ана шундай футбол майдонларидан 37 таси болалар ихтиёрига топширилди.

Аёллар ўртасида футбол тарғиботини ташкил этишда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий Мирон Ким томонидан амалга оширилаётган ишлар ўз самараларини беряпти. Хўжаобод туманидаги футболга ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 76 нафар қиз Сойибжон Назиров раҳбарлигида миллионлар ўйинининг сир-синоатларини ўрганишмоқда. Бу ерда яратилган шароит замонавий талабларнинг барча параметрларига тўлатўкис жавоб берди. Ўтган йили у ерда 1996-1998 йилларда туғилган қизлар ўртасида вилоят биринчилиги бўлиб ўтди. Унда туманлардан келган 12 та жамоага бирлашган қизлар кураш олиб боришди. Болалар спортига кўрсатилаётган эътиборни унинг ҳар бир тури мисолида айтишимиз мумкин.

Олтинкўл туманидаги Сафаробод қишлоғида спортнинг комбат-айкидо турига қизиқиши ортган. Илҳомжон Каримов саноат коллежида фаолият кўрсатаётган шу спорт тури бўйича секцияга аъзо бўлди. У 28-мактабда ўқиш баробарида японияликларнинг ушбу спорт турини маҳорат билан ўзлаштириб бориб, беш карра республика чемпиони белбоғини тақди. Ўтган йили эса Илҳомжон Каримов ўз вазни тоифасида Европа чемпионатида олтин медаль соҳибига айланди. Айни пайтда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида таҳсил олаётган Илҳомжоннинг орзуси шу йил май ойида Австралияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ва юртимиз байроғини яшил қитъада янада юксакроқ кўтаришдир.

Ёшларнинг замонавий спорт турларига қизиқиши баробарида миллий курашнинг нозик қирраларини ўзлаштиришга бўлган интилишлари ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Андижон давлат университетининг жисмоний тарбия ва спорт факультетида таҳсил олаётган Бобурмирзо Мўйдиновнинг белбоғли кураш мусобақалардаги зафарли одими, айни вақтда ўзи туғилиб ўсган Олтинкўл туманидаги Миробод қишлоғида болажонларга устозлик қилаётганлиги ибратга лойиқ. Машҳур курашчи, жаҳон чемпиони Равшанбек Исоқовнинг ўғли Бобурмирзо 21 ёшга қадам қўйди. Олти карра Ўзбекистон чемпиони, жаҳон биринчилиги совриндори Бобурмирзо ўз қишлоғида олтмиш нафар 10-12 ёшли болаларга миллий кураш сирларини қунт билан ўргатмоқда. Унинг олди шогирдлари туман ва вилоят биринчиликларида совриндор бўлишга эришди.

Бундай қувонарли мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Балиқчи туманидаги Бўстон, Шамсикўл, Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ қишлоқларида ҳам фаолияти кундан-кунга кенгайиб бораётган миллий кураш мактабларидаги машғулотларда устозлик қилаётган мураббийлар ва уларнинг юзлаб шогирдларининг умидлари катта.

– Мақсадларимиз юксак, – дейди Шавкатбек Омонуллаев. – 2013 йилда ҳам кўплаб болалар спорти билан боғлиқ объектлар қуриш, реконструкция қилиш, сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминлаш изчил тарзда давом этади.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



Наманган Вилояти

# ЁШ ИҚТИДОРЛАРНИ ТАЖРИБАЛИ МУРАББИЙЛАР ЮЗАГА ЧИҚАРАР

ВАЛЕНТИНА ШЛЕЙН ЭНДИГИНА ЎН ЁШГА ТЎЛДИ. АММО ЁШ ҚИЗАЛОҚНИНГ КАТТА ТЕННИСДА ҚЎЛГА КИРИТАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ КИШИ ҲАЙРАТИНИ ОШИРАДИ. У ТЕНГДОШЛАРИ ОРАСИДА ҒОЛИБ БЎЛИБ, ИККИ КАРРА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНЛИГИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

Айни дамларда Валентина Наманган шаҳридаги 52-умумтаълим мактабининг тўртинчи синфида аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, "Дўстлик" спорт мажмуасида фаолият кўрсатаётган 25-сонли ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига мунтазам равишда қатнайди. У мазкур даргоҳда тажрибали мураббий Артур Сулаймонов қўл остида катта теннисдан сабоқ олиб, ўз маҳоратини ошириб бораётир.

– Мактабимиз тарбияланувчиларининг умумий сони 332 нафар бўлиб, улардан 102 нафарини қизлар ташкил этади, – дейди спорт мактаби директори Марат Кензин. – Улар орасида Валентина сингари иқтидорли ёш спортчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Биргина ўтган йилнинг ўзида мактаб тарбияланувчиларидан 24 нафар биринчи разрядли, беш нафар спорт усталигига номзод спортчилар етишиб чиқди. Ёш спортчилардан Ҳумоюн Султонов билан Шахсият Тўхтамаматоваларнинг Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолигига қабул қилинганлиги, ўз навбатида, Артур Сулаймонов, Розалия Галмова, Олег Ҳамидулин, ака-ука Али ва Анвар Аҳмедов сингари спорт мураббийларимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб юборди.

Мамлакатимизда оммавий спортга, хусусан, болалар спортини ҳар тарафлама ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Натижада, нафақат пойтахт ёки шаҳарлардан, балки чекка-чекка қишлоқларимиздан ҳам иқтидорли ёш спортчилар етишиб чиқиб, Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

# «Фазилати бисёр ва камолоти бешумор...»



*Тарихга йирик давлат арбоби, шоир, носир, олим, моҳир таржимон сифатида кирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур фазилатларга бой шахсдир. "Бобурнома"нинг номаълум бир котиби Бобур хислатларига мухтасар баҳо берар экан, ул зотни "...секкиз сифати асл анинг зотиға муттасил эди: бириси буким, нажҳати (насл-насаби) баланд эди; иккимчиси – ҳиммати аржуманд (улуғ) эди; учимчиси – вилоят олмоқ; тўртимчиси – вилоят сахламоғ; бешумчиси – маъмурлиғ; олтимчиси – рафоҳият нияти Тенгри Таоло бандалариға; еттимчиси – черик (қўшин)ни кўнглини қўлға олмоқ; секкизимчиси — адолат қилмоқ" дея эътироф этади. Бу фазилатларнинг аксариятини Бобурнинг темурийзодаларга хос муносиб тарбия кўргани билан боғласак, баъзилари унинг табиати, яъни жибиллий, туғма қобилияти билан боғлиқ.*

**Гулсанам ХОЛИҚУЛОВА,**
*Самарқанд давлат университети доценти, филология фанлари номзоди.*

## БУГУН — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Бобур табиатан "ҳиммати аржуманд" – улуғ ҳиммат соҳибидир. Қуйидаги рубоий муаллифининг ушбу фазилати хусусидаги ўз иқрорномасидек жаранглайди:

**Беқайдмену хароби сийм эрмасмен,**
**Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен,**
**Кобулда иқомат этти Бобур дерсиз,**
**Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.**

Маълумки, нафс инсон руҳиятининг кишани. Давлат, олтин-кумушга алданган, уни тўплашга муккасидан кетган шахс нафс кишани билан ўзини эрксиз этади. Рубоийнинг дастлабки икки мисраси нафсни енга олган, ҳиммати баланд, эркинтабиатли кишининг қиёфасини кўз ўнгимизда гавдалантиради. Бу қиёфа том маънодаги Бобур менидир.

Бобурнинг улуғ ҳиммати унинг ғайрат-шижоатида, ҳаётга бўлган жўшқинлигида, ҳаракати, ҳафсаласи, қунтида, одамгарчилик, мурувват юзасидан қилинадиган яхшиликларида намоён бўлади. Тарихчи Муҳаммад Ҳайдар Мирзо "Тарихи Рашидий" асарида Заҳириддин Муҳаммад Бобурни турли гўзал фазилатлар ва мақтовга лойиқ сифатларга эга подшоҳ деб тилга олар экан, унинг "шижоат ва мурувватпеша"лигини барча фазилатларидан устун қўяди ва "табиатан мурувватли инсон" дея тилга олади. Дарҳақиқат, Бобур мурувватли подшоҳ. У ўзига ёмонлик қилганларнинг ҳам гуноҳидан ўтиб, қўлидан келганча уларга яхшилик кўрсатади. "Бобурнома" ва "Тарихи Рашидий" асарларида бу борадаги кўплаб ёрқин мисолларни учратамиз.

Биргина мисол, Бобур ўзига қарши ҳаракат олиб борган амакиваччаси Мирзохонни, поччаси Муҳаммад Ҳусайн Мирзони (холаси Хўб Нигорхонимнинг турмуш ўртоғи, "Тарихи Рашидий" асарининг муаллифи Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг отаси) афв этиб, уларга мурувват қилади. Шундай воқеалардан яна бири Хисравшоҳ билан боғлиқ.

Номи тарихга мустабид ҳукмдор сифатида муҳрланган Хисравшоҳ Бобурнинг амакиси — Султон Маҳмуд Мирзонинг марҳамати билан улғайган, унинг нон-тузи билан вояга етган амирларидан бири эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз "Бобурнома"сида Хисравшоҳ ҳақида ёзар экан, "...тийра ва фосиқ эди, гавдан ва бефаҳм ва бевафо ва ҳаромнамак киши эди. Беш кун ўтар дунё учун бир ўзи ўстурғон валинеъматзодаси (Султон Масъуд Мирзо)ни кўр қилди. Яна бири (Бойсунқур Мирзони)ни ўлтурди. Тенгри қошида осий ва халқ олдида мардуд бўлубдур. Домани қиёматгача лаънат ва нафрин сазовори бўлди", — дея ўзининг нафратини яширмайди. Лекин ўрни келганда Бобур адолатли подшоҳ сифатида Хисравшоҳга ҳам мурувват назари билан муносабатда бўлади. Яъни Бобур Самарқанд ва Андижондан айрилгач, Фарғона жанубидаги тоғлар орқали Ғури тарафга силжийди. Бу вақтда Хисравшоҳ Ҳисорда эди. Ҳисорга тўсатдан бостириб кирган Шайбонийхон дарагини эшитган Хисравшоҳ Бобурдан бехабар Ғурига келади. Бобурнинг Ғурида эканлиги маълум бўлгач, Хисравшоҳнинг амир ва беклари, хизматкору мулозимлари, каттаю кичик ҳаммаси подшоҳ Бобур томонга ўтиб кетади. Хисравшоҳда Бобурнинг хизматига боришдан бошқа чора қолмайди. Ҳолбуки, у Бобурнинг амакиваччаси Султон Масъуд Мирзонинг кўзига дунёни қоронғу қилган, Масъуднинг укаси Бойсунқур Мирзони ўлдиртирган, Бобурнинг ўзи жуда қийналиб, ундан ёрдам сўраб келганида, Бобурни ҳайдаб юборишни ўз мулозимларига буюрган эди.

Айни пайтда жабрланган мирзоларнинг укаси Мирзохон ҳам Хисравшоҳдан қасос олишни Бобурдан сўрайди. Лекин Бобур Хисравшоҳга марҳамат кўрсатади, унинг ҳамма нарсасини – чодирлари, бойликлари, отларини қайтаради. Гарчи бу вақтда Бобур оиласида биргина от бўлиб, уни ҳам волидаи муҳтарамаси (Қутлуқ Нигорхоним) миниб келаётган эди. Бобурда нарсаларга муҳтожлик бўлса-да, у Хисравшоҳ буюмларидан ҳеч бир нарса олмасдан ўз ҳимматини кўсатади. Бу воқеа ҳақида "Тарихи Рашидий" асари муаллифи шундай маълумот беради: "Бобур мурувват дурларини бағрикенглик зумрадига шунчалик ишлатадики, охири Хисравшоҳдан қасос олишни сўраган Мирзохон бир сўз демади. Хисравшоҳ Подшоҳ (Бобур) ва Мирзохоннинг уни шоҳона расм-қоида ва иззат-икром билан кутиб олишганини кўргач, ғаддор манглайини уят ва хижолат тери боса бошлади, Подшоҳ (Бобур) эса у (Хисравшох)нинг терини афв этаги ва марҳамат енги билан артди".

Улуғ ҳиммат яхшиликларида намоён бўлади. Бобур дунёда инсондан фақат яхшилик қолиши керак, деган ақида билан яшаб, ҳақиқий жавонмардликни амалда намойиш этган. Гарчи тақдир унинг гарданига турфа оғир юкларни юклаганда, замон ва одамлардан кўп жабру ситам кўрса-да, ҳаёти зиддиятларга тўла бўлса-да, у ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш ҳақиқий инсоннинг иши деб билади. Бу ҳақда "Бобурнома"да шундай ёзади: "Ғаразким, бу дунёда кишидин ушмундоғ нималар қолур, ҳар ким ақлдин баҳравар бўлса, нега андоғ ҳаркатга иқдом қилғайким, андин сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига ҳушдин асаре бўлса, нега андоғ амрга иқдом ва эҳтимом қилмағайким, қилғондин сўнг мустаҳсан дегайлар".

Бобурнинг мардлиги, шижоати, саховати, марҳамати, муруввати, адолати, ватанпарварлиги, инсонпарварлиги унинг ҳар бир сўзида улар хоҳ наср, хоҳ назм бўлсин барчасида уфуриб туради. Шоир меросининг ҳайратланарли даражада ҳаётийлиги, кўнгилга яқинлиги, туйғуларнинг табиий ва самимийлиги шундан. Унинг қаламидан мудом шундай сатрлар янграйди:

***Бори элга яхшилиғ қилғилки,***
***мундин яхши йўқ —***
***Ким, дегайлар даҳр аро***
***қолди фалондин яхшилиғ!***


## Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

### «НОРИН-ҚОРАДАРЁ» ИТХБ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Буюртмачи: «Норин-Қорадарё» ИТХБ қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси.**
*(Андижон шаҳар Пирмухаммедов кўчаси 7-а уй) Тел.: (998 74) 237-39-14, 237-53-42.*

**Вилоят туманларидаги вертикал дренаж қудуқларини таъмирлаш ва тиклаш.**
Иншоотнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) – **336 696 000 сўм.**
Ишларни тугаллаш муддати – **280 кун.**

**Ишларини молиялаштириш:** Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Диққат!** Ушбу иншоотларга танлов савдо (тендер)ларини ўтказишда кичик бизнес субъектларининг квота миқдори 35% ни ташкил қилади.*

**Танлов савдолариda қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолотномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожат этишлари мумкин: Андижон ш. Чинобод кўча, 59-уй, тел.факс 226-72-02.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: **70 000 сўм.**

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати, офёрталар очилиш куни ва соати, оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилган кундан бошлаб 15 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ООО "SANGZOR-SERVIS" (ИНН 204046836) начинает процесс присоединения к СП ООО "SANGZOR-PLASTICS" (ИНН 300957604), в связи, с чем ООО "SANGZOR-SERVIS" будет ликвидировано, а его правоприееемником станет СП ООО "SANGZOR-PLASTICS". Уставной фонд СП ООО "SANGZOR-PLASTICS" уменьшается до 438 847,67 долларов США. Тел.: +99893 384-24-27.

**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!**

### «ДЎСТЛИК ПАХТА ТОЗАЛАШ» ОАЖ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**"Жиззах вилояти Фориш тумани Каттабоғдон қишлоғидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи бино ва иншоотларини капитал таъмирлаш".**

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз **634,382 млн. сўм, ҚҚС билан 761,258 млн. сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати: **2013 йил 25 майгача.**

**Ишларни молиялаштириш** буюртмачининг маблағлари ва "Агробанк" ОАТБ кредити ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи манзили:** Жиззах вилояти Дўстлик тумани.

Телефон: +99890 296-44-71, +99894 344-95-45.

Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: офёрентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл офёрентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел./факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 минг сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан 2009 йил 27 мартда 002253-07 сонли ресстр рақами билан қайта рўйхатга олинган "OPTIMA KAPITAL" МЧЖнинг устав жамғармаси 293 684 357 сўмдан 235 161 853 сўмгача камайтирилади. Тел: 964-63-84.

Жисмоний шахс Худоев Ботир Болтаевичга тегишли М.Улуғбек т. М.Ганди тор кўч. 39-уй манзилида жойлашган офис биносига 2009 й. 02 мартда 9-77/2009 реестр рақам билан расмийлаштирилган кадастр ҳужжатларига тегишли № 0699282 гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Чилонзор т. ТСРЎИ томонидан (11.02.2008 й. ресстр № 003572-08) билан рўйхатдан ўтган "NATALI-NARGIZA PLYUS" ХК (СТИР 300712996), ташкилий ҳуқуқий шакли ва ташкилот номи "FATION-DESIGH GROUP" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилаётганлигини маълум қилади. Тел: 958-00-32. Манзил: Чилонзор т. Олмазор-167.

"Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси" томонидан "SALON ROZA" ХФ номига Миробод т. Нукус кўч. 3-уй манзилида жойлашган кўчмас мулк объекти учун 06.06.2002 йилда берилган Ер кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жисмоний шахс Темирова Гульбахор Ильхамовнага тегишли М.Улуғбек т. Оққўрғон кўч. 21а-уй 48-хонадон манзилида жойлашган гўзаллик салони биносига 15.02.2006 й.да 9-73/2006 реестр рақам билан расмийлаштирилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан "EXIM-PLAST" МЧЖ номига 12.03.2012 й.да 1827 рақамли М.Улуғбек т. Улуғбек шаҳарчаси У.Гулямов кўч. 21-а уй манзилида жойлашган савдо дўкони учун берилган форма-18, Маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 19 март куни соат 14:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ Наманган шаҳар Хива кўчаси 1-уйда жойлашган **Табиатни муҳофаза қилиш Наманган вилояти қўмитаси**га қарашли қуйидаги таъмирталаб автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1990 й. и/ч "ГАЗ-3307" русумли, д/р 16 AI 061, бошланғич баҳоси 7 645 485 сўм, 1991 й. и/ч "ИЖ-2715" русумли, д/р 50 246 GAA, бошланғич баҳоси 3 958 583 сўм, 1991 й. и/ч "М-412" русумли, д/р 50 855 FAA, бошланғич баҳоси 3 703 970 сўм.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Мазкур куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2013 йил 26 март ва 2, 9 апрель кунлари соат 14:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 га қадар қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан 1 (бир) кун аввал соат 14:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Наманган шаҳар Банк кўчаси 9-уйда ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлими МФО: 00223, СТИР: 302083379, 20208000104932168005 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. **Қўшимча маълумот учун манзил:** 160100, Наманган шаҳар Банк кўчаси 9-уй 15-хона. Тел/факс: (8369) 226-41-66, e-mail: 1nrs@mail.ru.

***Гувоҳнома: 004059***

## *ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ФЕРМЕРЛАР!*

## «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ РИЭЛТОРЛИК ТАШКИЛОТИ СИЗЛАРНИ МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ОММАВИЙ ОФЁРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Оммавий офёрта савдосига Тошкент вилояти Қибрай тумани «Чинобод» ҚФЙ «Энбекчи» и/б манзилидаги «ИСТИҚЛОЛ» фермер хўжалиги мулки ҳисобланган, умумий майдони **7,0 га** ер участкасида жойлашган боғзордаги, бошланғич нархи – **83 500 000,0 (саксон уч миллион беш юз минг) сўм** бўлган, 2007-2009 йилларда экилган 360 туп гилос, 262 туп олма, 31 туп ёнғоқ, 145 туп терак, 104 туп шафтоли, 79 туп олхўри, 93 туп ўрик, 4 туп тут, 3 туп жийда, 12 туп нок, 61 туп беҳи, 118 туп арча, 17 туп чинор, 1 туп тол, 2 туп шпонка олча ва 62 дона ток (ишком)дан иборат бўлган мевали ва бошқа турдаги дарахтлар қўйилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилоти билан ўрнатилган тартибда риэлторлик хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузишлари ҳамда ўзларининг акцепт аризаларини топширишлари лозим. Савдо объектини сотиш бўйича музокаралар талабгорларнинг акцепт аризасидаги шартлар ушбу оммавий оферта шартларига мос келган тақдирда ўтказилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида Сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, шартномада кўрсатилган тўловларни ўз вақтида тўлаш шартлари юклатилади.

Мазкур мевали ва бошқа турдаги дарахтлар (боғзор)ни сотиб олган харидорларга, улар жойлашган ер майдонига нисбатан узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тузиш учун Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокимиятига мурожаат қилишлари ҳамда ушбу ердан фақат боғзор сифатида унумли фойдаланишлари тавсия этилади.

Музокаралар ушбу эълон чиққан кундан бошлаб, токи боғзор сотилгунга қадар, ҳар куни соат 15:00 да Тошкент шаҳри Миробод тумани Амир Темур шоҳ кўчаси 16«А»-уй 4-қават 401-хонада ўтказилади.

**Мурожаат учун телефон:** 233-20-13. Тел/факс: 233-23-40.

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 25 МАЙДАГИ 147-СОНЛИ ҚАРОРИ АСОСИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ 2013 ЙИЛ 15 ЯНВАРДАН 12 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МУДДАТДАГИ САВДОСИ НАТИЖАЛАРИ

**Андижон вилояти филиалида 08.02.2013 йилда сотилган:** 1. Хўжаобод т. Хўжаобод ШФЙ Бешкарам МФЙдаги сатҳи 600 кв.м. Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси–440 470 сўм, сотилиш баҳоси–500 000 сўм. 2. Хўжаобод т. Хўжаобод ШФЙ Бешкарам МФЙдаги сатҳи 600 кв.м. Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси–440 470 сўм, сотилиш баҳоси–500 000 сўм. 3. 1. Хўжаобод т. Хўжаобод ШФЙ Бешкарам МФЙдаги сатҳи 600 кв.м. Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси–440 470 сўм, сотилиш баҳоси–500 000 сўм.

**Самарқанд вилояти филиалида 11.02.2013 йилда сотилган:** 1. Жомбой ш. «А.Қурбонов» МФЙ Сарой кўчаси ҳудудидаги сатҳи 160 кв.м. Ошхона биноси қуриш учун ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси–90 608 сўм, сотилиш баҳоси–300 000 сўм. 2. Жомбой т. «Халвойи» ҚФЙ Галакапа қишлоғидаги сатҳи 4000 кв.м. автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси ва аҳолига маиший газ баллон тўлдириш пункти қуриш учун ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси–1 889 200 сўм, сотилиш баҳоси–2 000 000 сўм. **12.02.2013 йилда сотилган:** 1. Иштихон т. «Халқабод» ҚФЙ «Халқабод» қишлоғидаги сатҳи 7000 кв.м. автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор шохобчаси қуриш учун ер участксидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси–2 632 700 сўм, сотилиш баҳоси–3 000 000 сўм.

**Сирдарё вилояти филиалида 24.01.2013 йилда сотилган:** 1. Сирдарё вил. Мирзаобод т. Тошкент ҚФЙ ҳудудидаги сатҳи 1000 кв.м. омухта ем цехини қуриш учун ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси–268 300 сўм, сотилиш баҳоси–268 300 сўм. 2. Сирдарё вил. Мирзаобод т. Тошкент ҚФЙ ҳудудидаги сатҳи 1000 кв.м. колбаса цехини қуриш учун ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси–268 300 сўм, сотилиш баҳоси–268 300 сўм. 3. Сирдарё вил. Мирзаобод т. Тошкент ҚФЙ ҳудудидаги сатҳи 1000 кв.м. сутни қайта ишлаш цехини қуриш учун ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси–268 300 сўм, сотилиш баҳоси–268 300 сўм.

**Сурхондарё вилояти филиалида 15.01.2013 йилда сотилган:** 1. Музработ т. "Ҳалқобод" ҚФЙ Ш.Бобоев маҳалласи А.Темур кўчасидаги сатҳи 200 кв.м. 4-сонли Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси–99 293 сўм, сотилиш баҳоси–200 000 сўм.

Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2013 йил 8 февралдаги 17-сонида берилган Сурхондарё вилояти "Аму-Сурхон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедициясининг объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилиши ҳақидаги эълонида таклифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб **15 кундан кейин**, деб ўқилишини маълум қилади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (29.01.2013 й., реестр № 004288-07) рўйхатга олинган Ҳамза т. Тузел мавзеси 9-уй 31-хонадон манзилида жойлашган "FERUZA EXCLUSIVE" ХК (СТИР 302478352) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 12.02.2013 й.даги 1-сонли қарор). Корхона рўйхатга олинган кундан шу кунгача фаолият юритмаган ва банк муассасасида х/рақам очмаган. Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 1 ой муддатда 294-27-43 тел. орқали қабул қилинади.

ООО "MAHMUD EL", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент Чиланзар, 1-57-1 (ИНН 204562471), ликвидируется (протокол собрания № 01 от 10.02.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н ул. Сув бўйи д. 97, выданный БТИ Хамзинского р-на на имя Николаевой Анастасии Ивановны, считать недействительным.

Утерянный диплом ВТ-I № 525719, выданный в 1980 г. Янгиюльским медицинским училищем на имя Ементаевой Туйгул Тураровны, считать недействительным.

Утерянную трудовую книжку, выданную на имя Лапчук Антон Александрович, считать недействительной.

КОРХОНА ВА КИЧИК БИЗНЕС ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

## I. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Наманган вилояти Чортоқ тумани «Короскон» ҚФЙдаги 3-сонли мактаб учун ёрдамчи биноси билан 12х24 м спорт зал қурилиши.**

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан **385 561 210 сўм,** ҚҚСсиз **321 301 008 сўм**.

Якунлаш муддати – **120 кун.**

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри А.Темур кўчаси 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Тел: (8369) 226-22-60,33-06-11.

**Лойиҳани молиялаштириш:** Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

## II. 9-ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги "Хожи ариқ ва Туркистон-II" суғориш каналларини қайта қуриш.**

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан **420 669 836 сўм,** ҚҚСиз **350 558 196 сўм.**

Якунлаш муддати – **2 ой.**

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри Ибрат кўчаси 33-уйда жойлашган 9-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси. Тел: (8369) 226-46-44,226-39-98.

**Лойиҳани молиялаштириш:** Республика Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

**Диққат!** *500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.*

## III. «НОРИН ТОЛА» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Наманган вилояти Норин тумани Ҳаққулобод шаҳрида ипак қуртини боқишга ихтисослашган қуртхоналар ва аҳолига савдо маиший ва сервис хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилиши.**

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан **1 064 984 733 сўм,** ҚҚСсиз **887 487 277 сўм.**

Якунлаш муддати – **2 ой.**

**Буюртмачи:** Норин тумани Ҳаққулобод шаҳри Ўзбекистон кўчаси 785-уйда жойлашган "Норин тола" очиқ акциядорлик жамияти.

Тел: (8369) 21-152, 21-995.

**Лойиҳани молиялаштириш:** "Агробанк" кредити ҳисобидан ва "Норин тола" очиқ акциядорлик жамияти маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

## IV. «УЧҚЎРҒОН ПАХТА ТОЗАЛАШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Наманган вилояти Учқўрғон тумани Кўғайай қишлоғида ипак қуртини боқишга ихтисослашган қуртхоналар ва аҳолига савдо маиший ва сервис хизмати кўрсатиш мажмуалари қурилиши.**

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан **1 568 780 158 сўм,** ҚҚСсиз **1 307 316 798 сўм.**

Якунлаш муддати – **2 ой.**

**Буюртмачи:** Учқўрғон шаҳар Чинор кўчаси 1-уйда жойлашган "Учқўрғон пахта тозалаш" очиқ акциядорлик жамияти. Тел: (8369) 462-12-04.

**Лойиҳани молиялаштириш:** "Агробанк" кредити ҳисобидан ва **"**Учқўрғон пахта тозалаш" очиқ акциядорлик жамияти маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

**Диққат!** *Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.*

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак:** танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафиллигига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга Наманган шаҳар Навоий кўчаси 22-уй, Тел.факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи - 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати - офёрталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш. А.Навоий кўчаси 22-уй.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "OLMAZOR MEYORIY SERVIS" шуъба корхонасига (ИНН 207131293) 14.09.2011 й.да берилган 005438 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "SPA SHANS" (ИНН 302389638) зарегистрированное ИРСП Сергелийского р-на, расположенное по адресу: ул. А.Ахматова-1, почтовый адрес: Спутник-8 д. 12А кв-ра 14, уменьшает уставный фонд с 863 884 500 сум до 144 000 000 сум. Претензии принимаются по тел.: 371-49-37.

Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимияти томонидан Ўзбекистон Кўзи Ожизлар жамияти METALLURG KOJ номига 21.01.2013 й.да берилган № 008505-08 сонли гувоҳнома ва устав йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н Чилонзор-24 д. 53 кв-ра 62, выданный Учтепинской службой кадастра регистрации (31.12.2003 г., 49/124) на имя Алексеевой Таисии Флегентовны, считать недействительным.

ООО "KOSTYA-BOY" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "TOSHKENT TRANS KOMMUNIKATSIYA QURILISH" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"MUSHTARIY BIZNES" ХК (ИНН 206929043) "STELLARIS" МЧЖ билан бирлаштирилди. "MUSHTARIY BIZNES" ХКнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича "STELLARIS" МЧЖ жавоб беради. Манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. Истиқбол ва С.Азимов кўчалари 64-уй.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ТСРЎИда (19.01.2011 й., реестр № 0910996) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Юлдашева Ханифа Тошпулатовнага (ИНН 493235795) тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Яккасарой т. ТСРЎИ томонидан (№ 006984-11, 03.01.2013 й.) рўйхатга олинган "ASSISTANT CLEANING SERVICE" МЧЖ (ИНН 302449862) тугатилади (13.02.2013 й.даги 3-сонли йиғилиш баёни). Даъво аризалари ушбу эълон чоп этилган кундан эътиборан 2 ой мобайнида 120-42-48 тел. орқали қабул қилинади. Манзил: Яккасарой т. Шота Руставели кўч. 8а уй.

# «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Навбаҳор тумани ҳокимининг 2012 йил 27 ноябрдаги Қ-612 сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** "Иссиқхона" қурилиши учун Навбаҳор тумани "Арабсарой" ҚФЙ "Навоий" фермерлар уюшмаси ҳудудидан 8000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 2 313 596 сўм.

**2.** "Балиқхона" қурилиши учун Навбаҳор тумани "Янги йўл" ҚФЙ "Мавлонбобо" маҳалласи ҳудуди 133-контуридан 40000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 2 313 168 сўм.

**3.** "Балиқхона" қурилиши учун Навбаҳор тумани "Бешработ" ҚФЙ "Юқори Бешработ" маҳалласи ҳудуди 170-контуридан 20000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 324 786 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Навбаҳор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 15 март куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Навбаҳор тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 18 март куни соат 11:00 да очилади ва шу куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш учун ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ "Ипотекабанк" Навоий филиалидаги: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

-танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Навоий вилояти Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел/факс (8-436) 224-44-01. rieltsavdo@inbox.uz. www.1kms.uz. **Лицензия** № RR 0001.

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Сирдарё вилояти Гулистон тумани ҳокимининг 15.01.2013 йилдаги 1/02-47-сонли ва 24.01.2013 йилдаги 1/02-72-сонли алоқа хатларига, 08.01.2013 йилдаги 37-сонли ва 24.01.2013 йилдаги 180-сонли фармойишларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

**1.** "Гузар" қуриш учун Гулистон тумани Олтин Ўрда ҚФЙ Ҳамид Олимжон-2 маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона сатҳи 210,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 70 350 сўм.

**2.** Шоли тегирмони қуриш учун Гулистон тумани Зарбдор ҚФЙ Мевазор маҳалласи Сирдарё тажриба хўжалиги ҳудудидан 1 дона сатҳи 1000,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 335 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Гулистон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунларида қабул қилинади ва 2013 йил 20 март куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш учун ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ДАТ (ОАЖ) "Асакабанк" Сирдарё вилояти филиалидаги 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Талабгорларнинг конвертлари Гулистон тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 22 март куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 22 март куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 22 мартдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йил 10 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 9 апрель куни соат 18:00 тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Гулистон тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 10 апрель куни соат 11:00 да очилади. 2013 йил 10 апрель куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

**II. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокимининг 28.01.2013 йилдаги 02/02-52-сонли алоқа хатига ва 24.12.2012 йилдаги 1035-сонли фармойишига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

**1.** 2 та савдо дўкони ва 2 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун Ховос тумани Ховос шаҳарчаси Чаманзор маҳалласи "Ховосдеҳқонбозор" МЧЖ филиали ҳудудидаги бўш ер майдонидан 4 дона ҳар бирини майдони 24,0 кв.м.дан жами 96,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ҳуқуқнинг минимал қиймати - 6 700 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ховос тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунларида қабул қилинади ва 2013 йил 22 март куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш учун ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ДАТ (ОАЖ) "Асакабанк" Сирдарё вилояти филиалидаги 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Талабгорларнинг конвертлари Ховос тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 25 март куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 25 март куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 25 мартдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йил 12 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 11 апрель куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ховос тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 12 апрель куни соат 11:00 да очилади. 2013 йил 12 апрель куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 3-мавзе "Бизнес маркази" биноси 58-хона. Мурожаат учун телефон: (8-367) 226-38-91, Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. **Лицензия:** RR:0001.

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Хоразм вилояти Боғот тумани ҳокимининг 2011 йил 20 августдаги 549қ-сонли қарорига, 2011 йил 12 сентябрдаги 596қ-сонли қарорига, 2011 йил 20 сентябрдаги 604-сонли қарорига, 2011 йил 20 октябрдаги 660қ-сонли қарорига 2011 йил 11 ноябрдаги 1230к-сонли қарорига ҳамда Боғот тумани ҳокимлиги қошидаги танлов комисиянинг 07.01.2013 йилдаги № 1-баённомасига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран қўйилмоқда:**

**1.** "Интернет кафе ва фото-суратхона салони" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Бойқозоқ шаҳарчасида жойлашган 162 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Участкага бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 40 902 сўм.

**2.** "Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дўкони" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Бойқозоқ шаҳарчасида жойлашган 108 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Участкага бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 27 268 сўм.

**3.** "Умумий овқатланиш шохобчаси ва новвойхона" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Қулонқароғоқ қишлоғида жойлашган 360 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Участкага бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 90 891 сўм.

**4.** "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Маданият қишлоғи ҳудудида жойлашган 360 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Участкага бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 90 891 сўм.

**5.** "Аёллар салони" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Нурафшон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 48 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Участкага бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

**6.** "Этикдўзлик устахонаси" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Нурафшон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 32 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Участкага бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

**7.** "Хўжалик моллари дўкони" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Хитой қишлоғи ҳудудида жойлашган 72 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

**8.** "Автомобиль эҳтиёт қисмлари сотиш дўкони" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Хитой қишлоғи ҳудудида жойлашган 72 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

**9.** "Интернет кафе" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Хитой қишлоғи ҳудудида жойлашган 72 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

**10.** "Тикувчилик цехи (кийим-кечак)" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Хитой қишлоғи ҳудудида жойлашган 72 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

**11.** "Тикувчилик цехи(пардачилик)" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани, Хитой қишлоғи ҳудудида жойлашган, 72 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

**12.** "Пойабзал сотиш дўкони" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Хитой қишлоғи ҳудудида жойлашган 30 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

**13.** "Мисгарлик устахонаси" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Хитой қишлоғи ҳудудида жойлашган 30 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

**14.** "Темирчилик устахонаси" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Хитой қишлоғи ҳудудида жойлашган 30 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

**15.** "Новвойхона" қуриш учун Хоразм вилояти Боғот тумани Нурафшон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 84 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Боғот тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунларида қабул қилинади ва 2013 йил 4 март куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш учун ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Ипотека" банки Тинчлик филиали, ҳ/р: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Талабгорларнинг конвертлари Боғот тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 5 март куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 5 март куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига оладилар.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Хоразм вилояти Урганч шаҳар Й.Бобожонов кўчаси 23-А уй. Тел/факс: (8-362) 226-32-63. rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия** № RR 0001. www.1kms.uz.

# Уста ва шоир

*Фермер хўжалиги механизатори Болта Тешаев шоир Ҳаким Ходи билан қалин дўст. Болтавой гайка ва болтлар бураб ёки бирор қишлоқдошининг ишларини қилиб, пул топган, Ҳакимжон қалам тебратиб, гонорар олган кунлари икковига байрам — бирор чойхонадами, ошхонадами ўтиришиб, шакаргуфторлик қилишади. Ҳаким Ходи шунчаки ҳаваскор эмас, балки юпқароқ бўлса-да, китоби босилиб чиққан шоир. Болтавой у билан бу қадар яқинлигидан фахрланиб, дўсту ёронларига мақтаниб ҳам юради.*



Автомашиналарни зўр билгани боис, баъзан унинг ҳовлисига бориб, “Жигули”сини “техосмотр”дан ўтказади, ҳовлисида у-бу ишларини қилиб беради. Лекин тракторчи бўлса ҳам, адабиётга қизиққан йигит. Ана шу шинавандалиги боис қўл телефонининг хотираси радио ва телевизорда ўқилган шеърлар билан тўла, ёнида олиб юрадиган магнитофончасига ҳам 24 соат тинимсиз эшитишга етадиган шеърлар ёзилган. Эрталаб шалдироқ “Запорож” машинасини қиздириш учун унинг эшигини очиши биланоқ Қодир Махсумов ўқиган ғазаллар янграйди.

Яқинда у яна Ҳаким шоирнинг машинасини техник қаровдан ўтказди. Ўзи ҳам 3-4 соат давомида машинанинг радиаторидан кириб, тутун ҳайдагичидан чиқди-ёв. Ҳаким Ходи бундан хурсанд бўлиб, ярим кило гўшт билан ярим литр оби “зам-зам”нинг баҳридан ўтди. Пиёлалар тўқнашган сайин вужудлари сингари мушоиралари ҳам қизиди. Бири айтиб-бири қўйиб, машҳур шоирлардан бошлаб, то бундоғроқ шоирларнинг шеърларигача ўқишди.

— Лек...лек...лекин барибир ўз...ўзим зўрман! — деди Ҳаким Ходи лунжларини тўлдириб гўшт чайнаркан. — Мана, эшитинг-а:

У қуёш, ёмғир, орада эса ўзи ва Болтанинг номини қўшиб шеър ўқиди.

— О-о, ниҳоятда зўр! Шу кунги актуал мавзуда ёзибсиз, шоир! –деб мақтади техника дарғаси. — Биринчи мисрангизнинг ўзидаёқ кўкламойнинг яқинлашиб қолгани акс этган. Кейинги мисрангиз эса биринчисини янада тўлдириб, баҳорнинг шашт билан келаётганидан дарак бериб турибди. Бир мен эмас, дала ва шийпонлар ёнида ўнлаб механизаторлар техника созлашяпти. Менинг протатипимда уларни ҳам мақтагансиз. Ўзингизнинг тимсолингизда эса барча меҳнаткаш, изланувчан шоирларни кўргандай бўляпман...

Сўнг соатига бир қаради-да, қўшимча қилди:

— Энди мен борай, вақт алламаҳал бўлиб қолибди.

Шоирнинг Болтавойни кузатишга мажоли қолмаганди. Ўрнидан туришга чоғланганди, гандираклаб, хонтахта устига йиқилаёзди. Шим ва кўйлагининг чўнтакларини ковласа, пули ҳам тугабди.

— Ус-ус-уста ҳақи берсамми, девдим, чўн-чўнтагим бўш-ш-шаб қопти, ян-ян-янаги сафар оларсан, — деди устасига сенсираб шоир. — Ма, мана бу машҳур шоирнинг китоби. Буни олиб, бир мириқиб ўқиб чиқ. Шунда унинг ким бўлганини яхши билиб оласан...

Эртасига Болта тракторчи бироз хомуш ва хўмрайган ҳолда кириб келди. Ҳаким Ходи ҳали гап қотишга улгурмай, деди:

— Билиб олдим-билиб олдим бу шоирнинг ким бўлганини! Раҳматлининг баъзи шеърларини ўқимаган эканман, ғирт кўчирмачи бўлган экан-а? Мана, қаранг, саҳифаларини буклаб қўйганман. Нуқул сизнинг шеърларингиз. Фақат баъзи мисраларни ўзгартирганини демасангиз... Анави, адабиёт газетасигами, “Муштум” ё “Шарқ юлдузи”гами ёзиб юборсамми, деяпман...

— Йў-ў-ўқ, ундай қилманг! — деди Ҳаким Ходи кеча мастликда қовун туширганини сезиб устанинг қўлидан китобни оларкан. — Нима кераги бор марҳумнинг руҳини безовта қилишнинг?

Шоша-пиша шундай дедию, ўзи уятдан қизариб кетди ва бу сирнинг сирлигича қолиши учун яна бир марта ошга эриди.

**Келди ДЎСТБЕК**

# РАССОМ ХАНДАСИ



Меҳнат билан обод уйинг...

Ароқ билан вайрон уйинг...

**Толибжон МЎМИНОВ** чизган расм.

# Ҳамма айб меҳмонларда...

*Фарғона водийси ижод аҳли орасида истеъдодли ёзувчи, моҳир журналист Алишер Иводиновнинг қизиқарли ҳангомалари тилдан-тилга ўтиб юради. Алишер ака ўткир қалам соҳиби, оқ кўнгил ва айни пайтда қўли очиқ, меҳмондўст инсон.*

Бири-биридан қизиқ, айни пайтда енгил ҳазил, латифабоп ҳаётий воқеа-ҳодисаларни Алишер аканинг ўзидан эшитиш, кишига бир олам ҳузур бағишлайди.

Фарғонага Андижондан Илҳомжон Эгамназаров деган Алишер аканинг курсдоши келиб қолади. Ёнида шеригиям бор. Ташрифдан хурсанд бўлган Алишер ака ишхонада улар билан бироз суҳбатлашгач, девордаги соатга қарайди. Соат миллари эса вақт аллақачон тушликка қараб бораётганлигини билдиради.

— Қани, юринглар, тушлик қилайлик. Шу ерда суҳбатни давом эттирамиз.

Чойхонада улфатчилик қизигандан-қизиб, ҳазил-мутойиба, аския авжига чиқади. Ҳар бир ҳикоя ёки қиссанинг муқаддимаси ва хотимаси бўлгани каби меҳмондорчиликнинг ҳам поёни кўриниб қолади. Алишер ака ҳушёрликни қўлга олиб, чойхоначи йигитни яқинига чорлаб, қулоғига чойхона харажати қанча бўлганлигини сўрайди. Даврадагиларнинг “ҳой-ҳой”ига ҳам қулоқ солмай, хона бурчагидаги илгичга осиб қўйилган костюмининг чўнтагини ковлаб, ундан бир даста пул чиқаради ва чойхона харажатларини тўлаб юборади.

— Фарғонага бир келиб қолибсизлар, кўксига қўлини босади Алишер ака. — Илҳомжон энди мезбон бизмиз, дўстим!

— Эрталаб ишга келишдан аввал, — дейди ўша кунни эслаб Алишер ака. — Костюмимни кийиб, унинг ички чўнтакларига қўлимни тикдим. Чўнтакдаги бир даста пулни кўриб, ҳайрон қолдим. Санаб кўрсам бир сўм ишлатилмаган. Қизиқ, кеча чойхонага пулни мен тўлаган бўлсам, бу пуллар қаердан келди.

— Кеча ҳаммаси жой-жойида бўлди, — масалага аниқлик киритади Алишер аканинг ҳайдовчиси Ўткиржон. — Тўғри, чойхона харажатларини сиз тўладингиз. Бироқ, ҳамма айб андижонлик акахонлар-да. Ўзларидан кўрсин. Нега, айнан сизникига ўхшайдиган костюм кийишади?!

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**




## ТОПҚИРЛИГИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

# «МЕН КИМНИНГ СУРАТИНИ ТОМОША ҚИЛЯПМАН?»

Бу жудаям эски бошқотирма. Аввалари бу бошқотирмани кўп эшитганмиз. Эътиборли жиҳати шундаки, тузилиши оддий бўлса-да, кўпчилик барибир нотўғри жавоб беради.

Бир одам катта бир суратга тикилиб ўтирган экан. Ундан кимнинг суратини томоша қиляпсан, деб сўрашганида қуйидагича жавоб қайтарибди. «Мен оилада яккаёлғиз фарзанд бўлганман. Шундай бўлса-да, суратда акс этган инсоннинг отаси – менинг отамнинг ўғлидир».

**САВОЛ:** *Бу одам кимнинг суратини томоша қиляпти?*

# УЗУМДАН МОЙ ШИФОГА БОЙ



**Узум. Шифобахш неъмат. Дастурхонимиз кўрки. Мамлакатимизда меванинг юздан ортиқ, узумнинг эса қирққа яқин тури парваришланади. Узум ҳақида гап кетганда эса ундан тайёрланган маҳсулотларнинг шифобахш хусусиятларини тилга оламиз. Нафи катта, фойдаси кўп, деймиз. Шунинг баробарида юртимизнинг турли ҳудудлари ҳам тилга олинади – Паркент, Китоб, Олтиариқ, Чуст, Олтинсой. Бу туманлар аҳолиси узум етиштириш борасида илғор тажриба тўплашган. Улар узумдан майиз, мусаллас каби маҳсулотларнинг сарасини тайёрлашади.**

Буни қарангки, Зангиота туманидаги «Асл зот мероси» масъулияти чекланган жамиятида қайта ишлашни ривожлантиришга қаратилган эътибор натижасида баъзи корхоналарда узум данагидан ёғ ишлаб чиқарила бошланди. 2012 йилнинг баҳорида «Турон банк»нинг Миробод филиалидан олинган сармоя эвазига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ёғ олишга мослашган замонавий ускуна ва тегирмон келтирилиб, ўрнатилди.

– Узум мойини тиббиёт йўналиши ва косметикада қўллаш учун ишлаб чиқариш мақсадида махсус сертификат олдик, – дейди корхона раҳбари Баҳодир Мақсудходжаев. – Ҳозирда бу маҳсулотлар 80-330 граммлик идишларда қадоқланмоқда. Корхонамизда бир кеча-кундузда бир ярим тоннадан уч тоннагача уруғ эзилиб, ундан 300 килограмм атрофида узум мойи олинмоқда. Бунда бир тонна маҳсулотнинг 10 фоизидан ёғ олинса, қолган қисми жемга айланади. Ана шу уруғ жемлари ва пўстлоғидан яна бир тайёр маҳсулот, озиқ-овқат саноати учун қимматли бўлган какао порошокларининг ўрнини бемалол боса оладиган, порошокли қўшимчалар тайёрланмоқда. Улар талабга кўра, 1 килограммдан 20 килограммгача бўлган қоғоз қопларга қадоқланмоқда.

Ҳар қандай корхонанинг тўла қувватларда ишлаши хомашё таъминотига боғлиқ. Албатта, бир қарашда узумнинг данаги ва пўстлоғини катта миқдорда топиш




**МУТАХАССИС МАЪЛУМОТИ:**

*Узумнинг шифобахш хусусиятлари жуда кўп. Жумладан, унда нурга қарши, антиоксидант, тонусни кўтарувчи ва бошқа хусусиятларга эга 300 га яқин бирикма мавжуд. Кўпчилик учун таниш бўлган пектин моддалари ва органик кислоталардан ташқари, узум таркибида С, А, В1, В2, В5, В6, В9, Е, РР, Р витаминлари, калций, фосфор, магний, калий, темир, мис каби моддалар бор. Совуқ сиқиш усулида эса узумнинг юқорида санаб ўтилган барча фойдали элемент ва витаминлари сақланиб қолади.*

бироз мушкул вазифадек туюлади. Бундай муаммонинг олдини олиш мақсадида корхонада кенг токзор ва заводларга эга, юртимиздаги йирик компаниялардан бири – “Меҳнат групп” билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Компанияда узум қайта ишланиб шарбат, сок олинса, «Асл зот мероси» жамоаси эса узумнинг саноат чиқити, яъни уруғи ва пўстлоғини хомашё сифатида қайта ишламоқда. Корхонада бу хомашё махсус жиҳозлар ёрдамида ювилиб, тозалаб, қуритилади.

**ДАЛИЛ**

*Узум мойи тромблар ҳосил бўлишига тўсқинлик қилиб, организмдаги моддалар алмашинувини яхшилайди. Узум камқонликда, нафас олиш йўллари шамоллашида, сурункали гепатитда, ошқозон-ичак трактидаги яллиғланиш касалликларида, инфаркт, инсульт каби касалликларнинг олдини олишда ажойиб профилактика воситасидир. Бундан ташқари, узум буйрак фаолиятини яхшилаб, буйракда, пуфакда тош ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади. Узум мойи иммунитетни оширади. Эрталаб бир ош қошиқдан истеъмол қилинса, организмнинг бир кунлик Е витаминига бўлган талаб тўлади. Бу эса тўқималар тикланишини таъминлаб, кексайишнинг олдини олади.*

*Шунингдек, узум мойининг таркибида ўрни босилмайдиган йодли кислоталар, косметологиянинг “арзанда”си – линол кислотаси бор. Шу боис, бундай ёғ теринг табиий ёшлигини узайтирган ҳолда шикастланган ҳужайраларни тикласа, фаол компонентлар терининг тонусини ошириб, унга эластиклик бағишлайди. Унинг намлантирувчи хусусияти юз терисини сезиларли даражада яхшилаб, майда томирларнинг деворларини мустаҳкамлайди.*

Сўнгра замонавий технология ёрдамида совуқ сиқиш усулида узум мойи, яъни табиий, экологик тоза маҳсулот тайёрланади.

Юртимизда узумнинг кўп миқдорда етиштирилишини ҳисобга оладиган бўлсак, узум уруғи ва пўстлоғи қайта ишланиши катта даромад манбаини излаб топиш билан баробардир.

**Сайёра ҲАМИДОВА**

# БИЛАСИЗМИ?



Асалари 1 килограмм асал йиғиши учун 2 миллион гулга қўниши керак.



Бир инсон танасида ер юзидаги одамлар сонидан кўпроқ тирик организмлар яшайди.




**ҚЎЙ (21.03 — 20.04)**
Оилангизнинг фақатгина моддий эҳтиёжларини қондириб қўйсам кифоя, деб ўйласангиз янглишасиз. Уларга эътиборлироқ бўлинг. Токи сизнинг меҳр-муҳаббатингизни сезиб туришсин.

**БУЗОҚ (21.04 — 20.05)**
Экин-тикин ишларига сал укувингиз йўқ. Парво қилманг, сиз бунинг ҳам уддасидан чиқасиз. Тўғри, бироз қийналасиз, аммо томорқада ишлашнинг ҳам ўзига яраша завқли эканлигига амин бўласиз.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)**
Шу кунларда бироз дам олиб, ҳордиқ чиқаришни хоҳласангизда, имкон топа олмаяпсиз. Ҳечқиси йўқ, кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларидан кейин қўлингиз анча бўшаб, ҳордиқ чиқаришингиз мумкин.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)**
Атрофдагиларнинг таъсирига тушиб қолмасликни, кўпроқ ўзингиз мустақил қарор қабул қилишни маслаҳат берамиз. Шунда яхшигина иқтисодий фойда кўришингиз мумкин.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08)**
Ҳар қандай муаммони асабийлашмасдан ҳал этиш мумкин. Зеро, жаҳл чиққанда ақл кетади, мақоли бежизга айтилмаган. Дам олиш кунлари табиат қўйнида ҳордиқ чиқаришни маслаҳат берамиз.

**ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)**
Сиз учун бир қарашда хамирдан қил суғургандек осон туюлган ишларингизда бирмунча қийинчилик ва муаммолар ҳам келиб чиқиши мумкин. Ўз кучингизга ишонинг, четдан ёрдам кутманг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)**
Турли ташвишларни бир чеккага суриб, соғлиғингиз ҳақида ҳам жиддийроқ ўйлаб кўриш пайти келди. Шифокорларнинг маслаҳатига амал қилсангиз, сизни анчадан буён қийнаб келаётган дарддан халос бўласиз.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11)**
Доим молиявий масалаларда синчковлик билан тежамкорлик билан иш юритишга одатлангансиз. Бу ҳафта ҳам сиз учун жуда даромадли келади. Бу борада саховатпешалик қилишни маслаҳат берамиз.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)**
Хатога йўл қўйганингиз учун ич-этингизни еб, асабийлашиб юриш ярамайди. Келинг, бир мардлик қилиб кечирим сўранг. Шунда, албатта, енгил тортасиз. Елкангиздан тоғ ағдарилгандек бўлади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)**
Сиздан кўмак сўраганлардан иложи борича фойдали маслаҳатларингизни аяманг. Бу атрофдагиларнинг сизга нисбатан ҳурматини янада оширади. Дам олиш кунлари оила даврасида бўлишга ҳаракат қилинг.

**ҚОВҒА (21.01 — 20.02)**
Янги лойиҳа ва ғояларингизни жамоатчилик олдида илгари суришда бошқаларнинг фикри билан ўртоқлашишни унутманг. Шундагина дуч келишингиз мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олган бўласиз.

**БАЛИҚ (21.02 — 20.03)**
Зиммангизга юклатилган вазифаларни зийраклик ва ҳушёрлик билан бажаринг. Акс ҳолда, қовун тушириб қўйишингиз мумкин. Билмаганларингизни атрофдагилардан сўраб ўрганишни маслаҳат берамиз.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар:
236-58-83,
233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: А.ЭЛМУРОДОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-214, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.10
25681 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5